Birgalikda ijtimoiy davlat sari!

# O‘zbekiston Ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

№21

2026-yil
27-may, chorshanba

1918-yil
21-iyundan chiqa boshlagan

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi facebook.com/uzbekistonovozi instagram.com/uzbekiston_ovozi www.uzbovozi.uz info@uzbovozi.uz

МУНОЗАРА МАЙДОНИ





## ҚУЛАЙ ИНФРАТУЗИЛМА

## КЕКСАЛАР ҲАЁТИГА ҒАМХЎРЛИК ИФОДАСИ

**Кексаларни эъзозлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, ижтимоий ҳимоясини таъминлаш — ҳар бир жамиятнинг маданий даражаси ва инсоний қадриятларига берилган эътиборини кўрсатади.**

Чунки кексалар — ҳаёт тажрибаси, донишмандлик ва сабр-тоқат тимсоли. Улар йиллар давомида меҳнат қилиб, оила ва жамият тараққиётига улкан ҳисса қўшган инсонлардир. Шунинг учун ҳам уларни ҳурмат қилиш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳар биримизнинг бурчимиз.

Тўғри, бугун кўплаб ҳудудларда кексалар учун мўлжалланган марказлар, дам олиш масканлари, маҳалла гузарлари, турли хизматлар мавжуд. Лекин асосий савол **бу имкониятлар кексаларнинг кундалик ҳаётида ҳақиқатан ҳам ишлаяптими? Улар кекса инсон учун қулай, яқин, хавфсиз ва фойдаланишга мосми?**

Бир ҳудудда нуронийлар маркази бор, лекин унга бориш қийин. Бошқа жойда инфратузилма бор, лекин у кексалар эҳтиёжига тўлиқ мослаштирилмаган. Яна бир ҳудудда хизматлар бор, лекин уларнинг сифати ва қамрови талаб даражасида эмас.

Демак, масала фақат “бор” ёки “йўқ” деган савол билан чекланмайди. Асосий масала — яратилган имкониятлар кекса инсоннинг реал ҳаётига қанчалик енгиллик олиб киряпти, унинг ижтимоий фаол бўлишига қанчалик хизмат қиляпти?

Партия фаолларининг айтишича, жойлардаги ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, мавжуд имкониятлар билан кексаларнинг кундалик эҳтиёжлари ўртасида ҳали ҳам тафовут бор. Айрим ҳудудларда шароит яратилган, аммо ундан фойдаланиш механизми заиф. Бошқа жойларда инфратузилма мавжуд, лекин у кексалар учун қулай муҳит талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Энг муҳими, давлат органлари, маҳалла, жамоат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорлик ҳамма жойда ҳам кутилган натижани бермаяпти.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси учун бу масала принципиал аҳамиятга эга. Чунки кексалар ва пенсионерлар — жамиятимизнинг катта ҳаётий тажрибага эга қатлами, давлат ва жамият эътиборининг муҳим мезони, партиямиз электоратининг асосий таянч гуруҳларидан биридир.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Халқ демократик партияси “Мунозара майдони” клубининг навбатдаги сайёр сессияси **“Кексалар учун ижтимоий инфратузилма: таҳлил ва таклифлар”** мавзусига бағишланди.

Сессия спикерлари кун тартибидаги масаланинг долзарблигини очиб беришди.

► (Давоми 4-бетда)

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН!

## МЕҲР ВА МУРУВВАТ АЙЁМИ



Жойларда давом этаётган меҳр-мурувват тадбирлари халқимизнинг эҳтиёжмандга суянч бўлиш, савоб ишларнинг бошини тутиш, саховатпешалик ва бағрикенглик фазилатларини яққол намоён этмоқда.

► (Давоми 3-бетда)

ПАРЛАМЕНТДА

## НАВБАТДАГИ МАЖЛИСДА ҚАНДАЙ МАСАЛАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида, одатга кўра, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга қаратилган қатор долзарб қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

► (Давоми 2-бетда)



ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДА

## ТАШАББУСДАН АМАЛИЙ НАТИЖАГАЧА...



Депутатлик гуруҳлари орқали маҳаллалардаги муаммолар кўтарилмоқда, мутасадди ташкилотларга депутатлик сўровлари юборилмоқда, ижтимоий масалалар муҳокама этилиб, ечим топишга ҳаракат қилинмоқда.

Таҳлилларга кўра, депутатларимиз ташаббуси билан жойларда аҳоли бандлиги, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий хизматлар сифатини ошириш, соғлиқни сақлаш ва таълим тизимидаги муаммоларни бартараф этиш каби масалалар бўйича назорат-таҳлил ишлари мунтазам олиб бориляпти.

Маълум бўлишича, депутатларимиз ташаббуси билан **337 та** масала партия гуруҳларида, **241 та** масала доимий комиссияларда кўриб чиқилди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларнинг сессиялари ўтказилиб, реал ҳолат таҳлил қилинмоқда, вазифалар белгиланмоқда. Масалан, ўтган даврда партия гуруҳларимиз ташаббуси билан сессиялар муҳокамасига **228 та** масала олиб чиқилди.

► (Давоми 5-бетда)

“ҲУКУМАТ СОАТИ”ДА

## ВАЗИР ТИНГЛАНДИ, АММО...

3

ҲАМКОРИМИЗ

## СУВ ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНИШИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР МАДАНИЯТИГА ҲАМ БОҒЛИҚ

6

ТАҚДИМОТ

## “БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БАНКИ”ДАН ЯНГИ ЛОЙИҲА – БРБ КОРПОРАТИВ УНИВЕРСИТЕТИ

6

ПАРЛАМЕНТДА

# НАВБАТДАГИ МАЖЛИСДА ҚАНДАЙ МАСАЛАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ?

(Давоми. Боши 1-бетда)



> ЖАМИЯТДА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИ ҲИСОБЛАНАДИ. ИЖТИМОИЙ БАРҚАРОРЛИК ВА ТИНЧЛИКНИ САҚЛАШ УЧУН ЭСА БИРИНЧИ ГАЛДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРГА ҚАРШИ ҚАТЪИЙ ЧОРАЛАР КЎРИШ ЗАРУР. ШУ МУНОСАБАТ БИЛАН МАЖЛИСДА ДАСТЛАБ УЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛИК ВА ЖАМОАТ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ.

### ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ ЧОРАЛАРИ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Жамиятда хавфсизликни таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Ижтимоий барқарорлик ва тинчликни сақлаш учун эса биринчи галда ҳуқуқбузарликларга қарши қатъий чоралар кўриш зарур. Шу муносабат билан мажлисда дастлаб уюшган жиноятчилик ва жамоат тартибига қарши жиноятлар учун жавобгарликни кучайтиришга қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таҳлиллар жиноят содир этиш мақсадида жиноий уюшмаларни ташкил қилиш ва молиялаштириш ҳолатлари жамоат хавфсизлигига жиддий таҳдид солаётганини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, амалдаги қонунчиликда бундай уюшмаларни молиялаштирганлик учун алоҳида жавобгарлик белгиланмагани ушбу соҳадаги долзарб муаммолардан саналади.

Шу муносабат билан Жиноят кодексига жиноий уюшма фаолиятини молиялаштирганлик учун алоҳида жавобгарлик киритиш, бундай шахсларга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишни қўлламаслик назарда тутилмоқда.

Амалдаги қонунчиликда жиноий уюшма ташкил этиш ёки унга раҳбарлик учун жавобгарлик мавжуд бўлса-да, мансаб ваколатларини суиистеъмол қилган ҳолда жиноий уюшмаларга ҳомийлик қилганлик учун жавобгарлик назарда тутилмаган эди. Қонун лойиҳасида ушбу ҳолат учун ҳам жавобгарликни белгилаш таклиф этилмоқда.

Афсуски, ҳозирда ҳам уюшган гуруҳлар томонидан содир этилган безорилик учун кўп ҳолларда енгил жазо тайинланмоқда. Бу эса жазосизлик муҳити шаклланишига олиб келаётгани таъкидланди. Шу сабабли, қонун лойиҳасида безорилик жинояти учун жазо чоралари оғирлаштирилмоқда.

Лойиҳада жанговор спорт турлари соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилган. Жанговор спорт турлари бўйича спорт мусобақаларини қонунга хилоф равишда ташкил этиш ёки ўтказиш жиноий жавобгарликка сабаб бўлиши, унда бевосита иштирок этганлар эса маъмурий жавобгарликка тортилиши кутилмоқда.

Мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, уюшган жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини оширишга ҳамда жиноятларнинг барвақт олдини олишга қаратилган қонун лойиҳаси қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

### ҲАР БИР МАҲСУЛОТ ХАВФСИЗ, КАФОЛАТЛАНГАН БЎЛИШИ ШАРТ

Ҳозирги кунда истеъмол бозорида маҳсулотлар хавфсизлигини таъминлаш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу сабабли фуқаролар саломатлигини ҳимоя қилишга қаратилган қонунчиликни янада такомиллаштириш ҳаётий заруратдир.

Мажлисда “Маҳсулотларнинг умумий хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди. Ушбу қонун лойиҳаси билан озиқ-овқат маҳсулотлари учун умумий хавфсизлик қоидалари белгиланмоқда. Бозорда сотилаётган ҳар бир маҳсулот хавфсиз, ишончли ва инсон саломатлигига зарарсиз бўлиши шартлиги назарда тутилмоқда.

Жумладан, янги товарлар, ишлатилган ёки таъмирланган маҳсулотлар, интернет орқали сотилаётган товарларни ҳам етказиб берувчилари уларнинг хавфсизлигини кафолатлаган ҳолда сотувга чиқариши лозимлиги кўрсатиб ўтилмоқда. Бу

> МАЖЛИСДА “БОЗОР НАЗОРАТИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ИККИНЧИ ЎҚИШДА МОДДАМА-МОДДА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ. УШБУ ҲУЖЖАТ СИФАТСИЗ ЁКИ БЕЛГИЛАНГАН ТАЛАБЛАРГА ЖАВОБ БЕРМАЙДИГАН МАҲСУЛОТЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРГАН, ИМПОРТ ҚИЛГАН ЁКИ ТАРҚАТГАН ШАХСЛАРГА НИСБАТАН АНИҚ ЧОРАЛАР КЎРИШНИ НАЗАРДА ТУТАДИ.

эса истеъмол бозорида сифатсиз маҳсулотлар сотилишига барҳам беради.

Қонун лойиҳасига кўра, маҳсулотни етказиб бериш занжирида иштирок этувчи барча тадбиркорлик субъектлари, яъни ишлаб чиқарувчи, импорт қилувчи, сотувчи, электрон тижорат операторлари ўз фаолияти доирасида маҳсулот хавфсизлиги учун жавобгар бўлиши белгилаб қўйилмоқда. Қоидалар бузилса, маҳсулот сотувдан чиқарилади, жарима қўлланилади. Бу эса бозорда адолатли рақобатни таъминлаш ҳамда аҳоли саломатлигини сақлашга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси маъқулланиб, Сенатга юборилди.

### БОЗОР НАЗОРАТИ ВА ИСТЕЪМОЛЧИЛАР МАНФААТИ

Навбатдаги қонун лойиҳаси ҳам бозорда сотилаётган маҳсулотлар сифати ва хавфсизлигини кафолатлаш чораларини кучайтиришга қаратилган бўлиб, пировардида истеъмолчилар манфаатига хизмат қилади.

Мажлисда “Бозор назорати тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди. Ушбу ҳужжат сифатсиз ёки белгиланган талабларга жавоб бермайдиган маҳсулотларни ишлаб чиқарган, импорт қилган ёки тарқатган шахсларга нисбатан аниқ чоралар кўришни назарда тутади.

Қонун лойиҳасида бозор назорати иштирокчилари, жумладан, бозор назорати органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятини амалга оширишдаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳамда тадбиркорлик субъектлари томонидан муомалага киритилган маҳсулотларга нисбатан ўтказиладиган бозор назорати жараёнидаги тадбиркорларнинг ҳуқуқлари белгиланмоқда.

Лойиҳада бозор назорати соҳасида жамоат манфаатларига етказилиши мумкин бўлган хатарларни ўз вақтида аниқлаш ва ушбу соҳада қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган чоралар, яъни маҳсулотни муомалага киритишни тўхтатиб туриш, муомаладан чиқариш ва чақириб олиш каби ҳуқуқий механизмлар акс этган.

Муҳокамада депутатлар бозор иштирокчиларига нисбатан таъсир чораларини қўллашда мутаносиблик принципига амал қилиш ҳамда молиявий жарималар тарзидаги санкцияларни қўллаш билан боғлиқ таклифларни билдиришди.

Муҳокамадан сўнг, қонун лойиҳаси қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

### ИҚТИСОДИЙ СУД ҚАРОРЛАРИ ЎЗ МУДДАТИДА ИЖРО ЭТИЛАДИ

Ҳозирги кунда мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва бизнес юритиш учун қулай шароитлар яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Мажлисда муҳокама этилган “Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам айни шу мақсадга йўналтирилган.

Қайд этилдики, кейинги йилларда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, суд қарорларининг самарали ижросини таъминлаш, ишбилармонларни қўллаб-қувватлаш ишлари янги босқичга чиқмоқда.

Шу билан бирга, амалдаги қонунчиликка биноан биринчи инстанция судининг қарори устидан шикоят берилганда унинг ижросини юқори инстанция суди тўхтатиб туриш ваколатига эга. Хусусан, Иқтисодий процессуал кодексининг 271- ва 294-, 323-моддалари талабларига кўра, апелляция, кассация ва тафтиш инстанцияси суди қуйи инстанция суди қарори устидан шикоят берилганда унинг ижросини тегишли илтимоснома асосида мазкур инстанцияда иш юритиш тамомлангунига қадар тўхтатиб туриши мумкин.

Бироқ, ушбу кодексда суд қарори ижросини тўхтатиб туриш ҳақидаги илтимосноманни рад этиш учун аниқ асослар белгиланмагани сабабли бундай илтимоснома тақдим этилганда, юқори инстанция суди аксарият ҳолларда қуйи инстанция суди қарори ижросини тўхтатишига тўғри келмоқда.

Натижада суд ҳужжатининг мажбурий кучига ишониб фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари суд қарори асосида олишлари лозим бўлган пул маблағларининг ундирилиш жараёнларини кечиктирмоқда.

Шундан келиб чиқиб, мазкур қонун лойиҳаси билан Иқтисодий процессуал кодексининг 271-, 294- ва 323-моддаларига ўзгартириш киритиш таклиф этилмоқда. Унга кўра, юқори инстанция судларида кўриб чиқилаётган ишлар бўйича суд ҳужжатлари ижросини тўхтатиб туриш фақатгина аризачи томонидан бундай чора кўрилмаса, суд ҳужжатининг қайтарма ижроси қийинлашиши ёки имконсиз бўлиб қолиши асослаб берилган ҳолларда қўлланилиши белгиланмоқда.

Муҳокамалар давомида депутатлар бу ташаббус суд қарорларининг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилишини таъминлаш, инсофли тадбиркорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда иқтисодий муносабатларда ҳуқуқий кафолатларни янада кучайтиришга хизмат қилишини таъкидладилар.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

### КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ САМАРАДОРЛИГИ ОШАДИ

Мажлисда бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида киритилган – коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини оширишга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш, жамиятда бу иллатга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, давлат бошқарувида очиқлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур қонун лойиҳаси ана шу ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида ишлаб чиқилган.

Қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги, “Давлат харидлари тўғрисида”ги ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида”ги қонунларга бир қатор муҳим қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш назарда тутилмоқда.

Хусусан, комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмаларининг ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланмоқда. Мазкур тузилмалар давлат органи ва ташкилоти тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича ички сиёсатни амалга оширади ҳамда унинг ушбу соҳадаги фаолиятини мувофиқлаштиради, қонунга риоя этиш, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабат муҳитини яратиш ва бу борада аҳолининг ижобий фикрини шакллантириш чораларини кўради.

Зарурият туғилганда комплаенс ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари ваколати доирасида тегишли ҳужжат ва материаллар билан танишиш мақсадида давлат органи ва ташкилот объектларига тўсқинликсиз кириш, давлат органи ва ташкилоти тизимида қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича кўриб чиқилиши мажбурий бўлган кўрсатма ва уларни бартараф этиш юзасидан тақдимномалар киритиши кўзда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасида Коррупцияга қарши курашиш агентлиги зиммасига ҳар бир давлат органи ва ташкилотлари, ҳудудлар ва соҳалар кесимида коррупциявий хатар-хавфлар харитасини шакллантириш вазифаси юклатилмоқда.

Шунингдек, давлат хизматига ҳалоллик стандартларини жорий этиши, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф қилиш, давлат органлари ва ташкилотлар фаолияти очиқлигини таъминлаш чораларини кўриши таклиф этилмоқда.

Лойиҳага кўра, Ҳисоб палатаси раисининг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланган тартибда тайинланиши белгиланмоқда. Давлат харидларида нарх тафовутининг белгиланган чегарасини бузган мансабдор шахсларга маъмурий жарима қўллаш тартиби назарда тутилмоқда. Давлат харидларида товар ва хизматлар нархининг ўртача бозор нархидан асоссиз оширилишига қарши таъсирчан ҳуқуқий механизмлар жорий этилмоқда.

Шунингдек, коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий ва ҳудудий кенгашларнинг ҳуқуқий мақоми ҳамда ваколатлари ҳам мустаҳкамланмоқда.

Муҳокамалар жараёнида депутатлар мазкур қонун лойиҳаси коррупциявий хатар-хавфларни камайтириш, давлат маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш, жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

**Лазиза ШЕРОВА,**
**“Ўзбекистон овози” мухбири.**

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН!

# МЕҲР ВА МУРУВВАТ АЙЁМИ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Бугун юртимизда мусулмонларнинг энг мўътабар байрами – Қурбон ҳайити ўзгача шукуҳ билан нишонланмоқда. Тонг саҳардан масжидларга ошиққан минглаб мўмин-мусулмонлар ҳайит намозини адо этдилар. Каттаю кичик бир-бирини байрам билан қутладилар, кўнгилдаги ёруғлик ва мунавварликни самимий тилакларда улашдилар. Ҳар бир хонадонга хайру барака, меҳр-оқибат айёмининг қувончи, тафти кириб борди, десак янглишмаймиз.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда Рамазон ва Қурбон ҳайитлари кенг миқёсда нишонланиши, шу муносабат билан республика бўйлаб эҳтиёжманд қатламларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашга доир, моҳиятан чин инсонийликка уйғун тадбирлар янада қулоч ёзиши анъана тусини олмоқда. Пировардида муҳтожлик, хасталик синовлари билан рўбарў келган инсонлар асло ёлғиз қолмаяптилар.





Президент қарорига мувофиқ Қурбон ҳайити муносабати билан ўтказилаётган хайрия тадбирлари маънавий бирдамликни тизимли ижтимоий ҳаракатга айлантириш билан бирга иқтисодий нуқтаи назардан ҳам долзарб аҳамият касб этади. Даволаниш харажатларини қоплаш, жарроҳлик амалиётларини молиялаштириш ва трансплантация хизматларини қўллаб-қувватлаш келгусида юзлаб оилаларнинг молиявий юкини камайтиради.

Бугун ҳам давлат сиёсатининг устувор йўналиши – ижтимоий ҳимояга қаратилган, инсон қадрини улуғлаш, жамиятда мурувват, ҳажиҳатлик муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи мана шундай тадбирларга яна бир карра гувоҳ бўлиб турибмиз. Давлат раҳбарининг шу йил 22 майдаги “Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва меҳр-саховат тадбирларини самарали ташкил этиш тўғрисида”ги қарори доирасида амалга оширилаётган манзилли ишлар нафақат эҳтиёжмандлар учун беқиёс имконият тақдим этмоқда, балки ўзгалар тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир инсонни эзгу ташаббусларга ундамоқда. Ҳузурбахш шукроналик туйғуси қалблардан қалбларга кўчмоқда.

Президентнинг юқоридаги қарорида белгиланган давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари аниқ ва жуда катта қамровда экани яна бир эътиборга молик жиҳатдир. Энг аввало, оғир ва ногиронликни келтириб чиқарувчи касалликларга чалинган 10 минг нафар болада жарроҳлик амалиётини ўтказиш, 2,3 минг нафар онкологик, гематологик ва онкогематологик ташхиси қўйилган беморларнинг тиббий текшируви, даволаниши ва операцияси, шунингдек, камида 350 нафар беморда жигар ва буйрак трансплантацияси харажатлари қоплаб берилиши ижтимоий давлат принципларининг амалдаги ёрқин ифодасидир.

Айтиш керакки, бу хушхабарни ҳар бир юртдошимиз зўр хурсандчилик билан қарши олди. Бинобарин, бу мадад минглаб оилаларга умид бермоқда, давлат ҳеч кимни ўз муаммолари билан ёлғиз қолдирмаслигига ва эртанги кунга ишонч ҳиссини бахш этмоқда.

Бундан ташқари, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, Меҳрибонлик уйлари, оилавий ҳамда кичик ҳажмли болалар уйлари, “SOS” маҳалласи тарбияланувчилари, Ватан сарҳадларини ҳимоя қилиш йўлида қурбон бўлган ота-оналарнинг фарзандлари, “Taskin Children’s Hospice” онкологик шифохонасида даволанаётган ўғил-қизларнинг омонат ҳисобварақларига 200 АҚШ доллари миқдоридаги пул мукофоти ўтказиб берилиши кўзда тутилган.

– Бу маблағ рамзий кўмакдан кўра кенгроқ маъно касб этади: давлат болага “Сен ёлғиз қолганинг йўқ!” деган ишончни беради, – дейди Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Юридик бўлим бошлиғи Ф. Назаров. – Президент қарорига мувофиқ Қурбон ҳайити муносабати билан ўтказилаётган хайрия тадбирлари маънавий бирдамликни тизимли ижтимоий ҳаракатга айлантириш билан бирга иқтисодий нуқтаи назардан ҳам долзарб аҳамият касб этади. Даволаниш харажатларини қоплаш, жарроҳлик амалиётларини молиялаштириш ва трансплантация хизматларини қўллаб-қувватлаш келгусида юзлаб оилаларнинг молиявий юкини камайтиради. Чунки оғир касалликка дуч келган оила кўп ҳолларда даромад манбасини йўқотади, қарзга киради, меҳнат бозоридан узилади, фарзанд таълими ва кундалик эҳтиёжлар иккинчи даражага тушиб қолади. Давлатнинг мана шу йўсинда кўмаклашиши оилаларни иқтисодий синишдан асрайди. Бемор болаларда амалга ошириладиган жарроҳлик амалиётлари эса келажакда таълим, касб, меҳнат ва ижтимоий иштирок учун замин яратади. Шу маънода, юқоридаги қарорни инсон капиталига сармоя киритиш ҳужжати сифатида кўриш мумкин.

Яна бир гап. Улуғ байрамга муносиб тарзда республика бўйича 500 та масжидда аҳоли учун қулайликларни кенгайтириш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ҳамда жойлардаги қабристонларни обод қилиш ишлари ҳам уюшқоқлик билан олиб борилаётгани айни муддаодир.

Кўмакка муҳтож оилалар, ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар ҳолидан хабар олиниб, озиқ-овқат тўпламлари билан таъминланиши, эҳтиёжманд аҳоли тоифалари учун эҳсон дастурхонлари ёзилиши байрам руҳини янада оширмоғи тайин.

Қарорда келтирилган чора-тадбирлар давлат мақсадли жамғармалари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан “Вақф” хайрия жамоат фондига ажратиладиган 690 миллиард сўм маблағ ҳисобидан молиялаштирилмоқда.

“

СЎНГГИ ЙИЛЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗДА РАМАЗОН ВА ҚУРБОН ҲАЙИТЛАРИ КЕНГ МИҚЁСДА НИШОНЛАНИШИ, ШУ МУНОСАБАТ БИЛАН РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ ЭҲТИЁЖМАНД ҚАТЛАМЛАРНИ ҲАР ТАРАФЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ДОИР, МОҲИЯТАН ЧИН ИНСОНИЙЛИККА УЙҒУН ТАДБИРЛАР ЯНАДА ҚУЛОЧ ЁЗИШИ АНЪАНА ТУСИНИ ОЛМОҚДА. ПИРОВАРДИДА МУҲТОЖЛИК, ХАСТАЛИК СИНОВЛАРИ БИЛАН РЎБАРЎ КЕЛГАН ИНСОНЛАР АСЛО ЁЛҒИЗ ҚОЛМАЯПТИЛАР.

Таъкидлаш ўринлики, ушбу фонд бошчилигида барча хайрли ишлар, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларини даволаш ва жарроҳлик амалиётлари ўтказиш жараёни ҳудудларда юқори фаоллик билан бошлаб юборилган.

Қурбон ҳайити руҳи ҳам аслида шу: инсон инсонга яқинлашади, давлат халқ дардига янада яқин туради, саховат эса жамиятни бирлаштирувчи сокин, аммо қудратли кучга айланади. Бир сўз билан айтганда, жойларда давом этаётган меҳр-муравват тадбирлари халқимизнинг эҳтиёжмандга суянч бўлиш, савоб ишларнинг бошини тутиш, саховатпешалик ва бағрикенглик фазилатларини яққол намоён этмоқда.

**Ф. ИБРОҲИМОВА.**

“ҲУКУМАТ СОАТИ”ДА

# ВАЗИР ТИНГЛАНДИ, АММО...

Мамлакатимизда таълим тизимини тубдан янгилаш, халқаро стандартлар даражасига олиб чиқиш бўйича кенг қамровли ислоҳотлар, ўқитувчиларни моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича муҳим ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтган ҳафта мактабгача ва мактаб таълими вазири Э.Каримова парламент қуйи палатасидаги “Ҳукумат соати”да ахборот берган чоғида соҳадаги янгиликларга алоҳида эътибор қаратди.

Айниқса, ихтисослаштирилган мактаблар тармоғининг кенгайиши, педагоглар малакасини баҳолаш бўйича шаффоф ва рақамлаштирилган тизимнинг такомиллаштирилаётгани ҳамда юртимизнинг халқаро баҳолаш дастурларидаги иштироки таълим сифатини янги босқичга олиб чиқиши қайд этилди.

Депутатлар фикрига кўра, ҳукумат, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан амалга оширилаётган ишлар, **жорий этилаётган янги механизмларни самарали, дея эътироф этиш мумкин**.

“Педагогнинг мақоми тўғрисида”ги қонуннинг **ҳаётга татбиқ этилгани**, ўқитувчиларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси кучайтирилаётгани, уларни мажбурий меҳнатдан ҳимоя қилиш, ипотека ва турли имтиёзлар бериш каби чоралар педагог касбининг жамиятдаги обрў-эътиборини янада юксалтиришга қаратилган муҳим ислоҳотлардан ҳисобланади.

“

**ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ БОЛАЛАР, ЁШЛАР ТАЪЛИМДА, ҚАЙСИ ҲУДУДДА ТУҒИЛИБ ЎСАЁТГАНИ, ОТА-ОНАСИ, ЯҚИНЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲОЛАТИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, ТЕНГ ИМКОНИЯТЛАРГА ЭГА БЎЛИШИ, БУ ҲУҚУҚ КАФОЛАТЛАНИШИ ЛОЗИМ, ДЕБ ҲИСОБЛАЙДИ.**

Инклюзив таълим соҳасида “тўсиқсиз муҳит” яратиш, махсус эҳтиёжли болалар учун мослаштирилган шароитлар ташкил этилаётгани инсон қадрини улуғлашнинг амалий ифодаси бўлиб майдонга чиқади. Педагогларнинг бу йўналишда махсус тайёргарликдан ўтказилаётгани эса инклюзив таълим сифатини янада ошириш йўлидаги муҳим қадамлардан биридир.

Бу эса Халқ демократик партиясининг асосий мақсади ҳисобланган – **жамиятда ҳуқуқлар ва имкониятлар тенглиги тамойили** сари интилиш бўлаётганини англатади. Бироқ...

Парламентдаги фракциямиз аъзоларининг таъкидлашича, қуйи таълимда **қатор тизимли камчиликлар давом этаётганидан** ҳам кўз юммаслик керак.

Вазир ахборотида берилган маълумотлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, биринчидан, бугунги кунда ихтисослаштирилган мактаблар билан оддий мактаблар ўртасидаги **таълим сифатида ўзаро тафовут бор.**

Янги баҳолаш тизими жорий этилган **1,5 минг мактабдан атига 275 таси** юқори натижага эришиб, устама олгани, **қолган мактабларда таълим сифати ҳали етарли даражага чиқмаганини** кўрсатади.

Иккинчидан, педагоглар аттестацияси такомиллаштирилган бўлса-да, ўқитувчиларнинг **қарийб ярми ҳали малака тоифасига эга эмас.** Айниқса, аттестациядан ўта олмаган ўқитувчилар учун **қисқа муддатли курслар ташкил этилгани муаммо ҳали тизимли равишда сақланиб қолаётганидан далолат беради.**

Учинчидан, касб-ҳунар таълими бўйича ишлар бошланганига қарамай, қамров қониқарли бўлмаслиги мумкин. Чунки касбга ўқитиш йўлга қўйилган **400 та мактаб мамлакатдаги жами мактаблар сонига нисбатан паст кўрсаткич ҳисобланади.**

Тўртинчидан, ўқувчиларни хорижий тилларга ўқитиш бўйича чуқурлаштирилган таълим **фақат 420 та мактабда** жорий этилган. Бу рақам аксарият ҳудудларда ўқувчилар иккинчи хорижий тилни юқори даражада **ўрганиш имкониятига эга эмас,** деган хулосага олиб келади. Халқаро сертификат олган ўқувчилар сони ортгани билан, таълимдаги умумий ўқувчилар сонига нисбатан **кам улушга эга эканлигини** рақамларнинг ўзи айтиб турибди.

Бешинчидан, инклюзив таълим бўйича сезиларли ишлар қилинган, аммо “тўсиқсиз муҳит” яратилган мактаблар сонини каррасига ошириш учун катта эҳтиёжлар бор.

Бугунги кунда вазирлик томонидан **2365 та мактабда инклюзив синфлар** жорий этилган бўлса-да, улардан **фақат 651 таси инклюзив таълим учун тўлиқ мослаштирилган.** Бу эса инфратузилма ва махсус жиҳозлар бўйича **эҳтиёж ҳали катта эканини** англатади.

“

**БУГУНГИ КУНДА ВАЗИРЛИК ТОМОНИДАН 2365 ТА МАКТАБДА ИНКЛЮЗИВ СИНФЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛГАН БЎЛСА-ДА, УЛАРДАН ФАҚАТ 651 ТАСИ ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ УЧУН ТЎЛИҚ МОСЛАШТИРИЛГАН. БУ ЭСА ИНФРАТУЗИЛМА ВА МАХСУС ЖИҲОЗЛАР БЎЙИЧА ЭҲТИЁЖ ҲАЛИ КАТТА ЭКАНИНИ АНГЛАТАДИ.**

Умуман олганда, вазирлик томонидан “Ҳукумат соати”да келтирилган рақамлар ва эришилган ютуқлар таълим соҳасида катта ислоҳотлар амалга оширилаётганини кўрсатади.

Шу билан бир қаторда депутат ва экспертларга кўра, янгиланишларнинг ҳудудлар ва мактабларга бир хил сифатда жорий этилиши билан боғлиқ камчиликлар – **бугун эътибор қаратилиши шарт бўлган асосий масаладир.** Олдинда турган муҳим вазифа эса тажрибани фақат алоҳида намунавий мактабларда эмас, балки барча умумтаълим муассасаларида самарали жорий этишдан иборат.

Халқ демократик партияси болалар, ёшлар таълимда, қайси ҳудудда туғилиб ўсаётгани, ота-онаси, яқинларининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан қатъи назар, тенг имкониятларга эга бўлиши, бу ҳуқуқ кафолатланиши лозим, деб ҳисоблайди.

Бунинг учун Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари, вазирлик мутасаддилари ва кенг жамоатчилик фаол фуқаролик позицияси ҳамда ижтимоий дахлдорлик ҳисси билан таълимдаги ислоҳотлар йўлидаги камчиликларни бартараф этишга тайёр.

Зеро, мамлакат тараққиёти фарзандларимизнинг билими, илмий салоҳияти ва уларнинг таълим-тарбиясига таянади. Бу ҳаётий ҳақиқатни ҳеч ким унутмаслиги керак.

**Шоҳрух НУРАЛИЕВ,**
**Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши шўъба мудири.**

# ҚУЛАЙ ИНФРАТУЗИЛМА

## КЕКСАЛАР ҲАЁТИГА ҒАМХЎРЛИК ИФОДАСИ





► (Давоми. Боши 1-бетда)

**Мажид УМАРОВ,**
***“Нуроний” жамғармаси бўлим бошлиғи:***

– Президентимизнинг 2016 йил 28 декабрдаги тегишли фармонига кўра жамғармамиз номи Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси этиб белгиланди.

Ушбу фармон билан кекса авлод вакилларини қўллаб-қувватлаш баробарида уларнинг ҳаётдаги ижтимоий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Нуронийларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш, ёшлар тарбиясига йўналтирилган маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини таъминлаш ва зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида республикамиздаги **200 га** яқин туман, шаҳарларда барча қулайликларга эга **“Нуронийлар маскани”** барпо қилинди.

Бугунги кунда 18 минг нафарга яқин ўзгалар парваришига муҳтож бўлган, ёлғиз яшайдиган нуроний отахон ва онахонларимиз бор. Уларга эътибор, ғамхўрлик кўрсатиш, ҳолидан хабар олиш билан бирга фаоллигини оширишга қаратилган ишлар олиб борилмоқда.

Масалан, айтайлик, юртимиздаги мавжуд **9008 та** маҳаллада **“Кексалар маслаҳати”** гуруҳлари ва **“Бувижонлар мактаби”** кенгашлари ташкил этилиб, нуронийларнинг бой ҳаётий тажрибасидан самарали фойдаланиш тизими яратилди.

Маҳаллаларда **“Бир нуроний ўн ёшга масъул”** тамойили асосида энг фаол бир нафар кексага 10 нафар уюшмаган, муаммоли ёшлар бириктирилиб, уларнинг тарбияси ва муаммолари билан ишлашда нуронийларнинг бой билим ва катта ҳаётий тажрибаларидан самарали фойдаланиб келинмоқда.

Ушбу тамойил асосида **16 минг 663 нафар** нуронийларга **160 минг 651 нафар** ёшлар бириктирилган.

Энг муҳими, бундай тадбирлар, сайрлар, спорт машғулотлари ва учрашувлар уларнинг кайфиятини кўтариб, соғлом ва мазмунли ҳаёт кечиришига хизмат қилмоқда. Айниқса, ёшлар билан учрашувлар, суҳбатлар ва тажриба алмашишлар авлодлар ўртасида меҳр-оқибатни мустаҳкамлайди.

**Фирдавс ШАРИПОВ,**
***Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:***

– Кекса инсон учун нафақа ёки моддий ёрдамнинг ўзи етарли эмас. Унга эътибор, мулоқот ва фаол ҳаёт тарзи учун шароит зарур. Энг муҳими, у ўзини жамиятга керакли ва ҳурматли инсон сифатида ҳис қилиши лозим. Шу боис кексалар учун инфратузилма оддий маиший масала эмас, балки уларнинг ҳаёт сифати ва ижтимоий фаоллигини таъминлайдиган муҳим ижтимоий механизмдир.

Бу масала бевосита партиямиз дастурий мақсадларига ҳамоҳанг бўлгани учун биз ушбу йўналишда мунтазам назорат-таҳлил ишларини олиб борамиз.

Масалан, яқинда Тошкент шаҳрида нуронийлар учун яратилган инфратузилмани ўрганиб чиқдик. Маълум бўлдики, пойтахтимизда кексалар учун яратилган шароитлар барқарор ва тизимли йўлга қўйилмаган.

Айтайлик, Юнусобод туманидаги “Акбаробод” маҳалласида бу борада етарлича шароит йўқлиги ойдинлашди. Олмазор туманидаги “Мискин” ва “Шодиёна” маҳаллаларида инфратузилма мавжуд, лекин унда газ муаммоси ва шароит йўқлиги сабабли тўлиқ фойдаланилмаяпти.




Шунинг учун бу ерга нуронийлар деярли боришмайди.

Шайхонтоҳур туманидаги “Чарҳновза” нуронийлар маскани таъмирталаб ҳолатга келиб қолган. Асосий муаммо ана шу аҳволни кўриб, билиб, ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги, бунда асосий масъулият йўқлигида.

Биз бир нарсани унутмайлик, кексалар учун инфратузилма масаласи фақат ижтимоий объектлар, дам олиш масканлари борлиги билан чекланмайди. Аввало, кекса инсон ўша ҳудудда хавфсиз юриши керак. Дам олиши учун етарли шароит бўлиши, жисмоний ҳаракатларни амалга ошириши учун қулайликлар борлиги билан ўлчанади. Шунингдек, бу борада тиббий хизматлардан фойдаланиш ҳам энг асосий масалалардан бири.

Шундан сўнг мутасадди идоралар вакиллари ва мустақил экспертлар нуронийларнинг ижтимоий ҳимояси ҳамда қулай инфратузилма бўйича тақдимотлар ўтказишди.

**Мурадхан УСМОНОВ,**
***Тошкент архитектура-қурилиш университети шаҳарсозлик кафедраси профессори, архитектура фанлари доктори:***

– Халқимиз кексаларни эъзозлаб, ҳурматини жойига қўйиб, давранинг тўрига ўтказади. Шунга мувофиқ, улар учун дам олиш масканлари, саломатлигини тиклаш учун шароитлар талаб даражасида бўлиши керак. Чунки кекса авлод вакиллари жамиятнинг катта тажрибага эга, эҳтиромга лойиқ қатлами ҳисобланади ва уларга яратилган қулай муҳит нафақат ижтимоий, балки маънавий аҳамият ҳам касб этади.

Хонадонлар, турар жойлар қурилган манзилда мактаб, боғча, поликлиника билан бирга ҳордиқ чиқарадиган масканлар бунёд этилса, ҳаёт сифати ошади. Шундай бўлмаса, турар жойлар ётоқхона ҳудудига айланиб қолиши ҳеч гап эмас.

Одамлар шаҳар учун эмас, шаҳар инсонлар учун бўлиши керак. Шундай масканлар уларнинг ёлғизлик ҳиссини камайтириб, руҳий кайфияти ва саломатлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Шу маънода, шаҳар инфратузилмасида кексалар эҳтиёжини ҳисобга олиш — замонавий ва инсонпарвар жамият белгисидир. Пиёдалар учун хавфсиз йўлаклар, ўриндиқлар, яшил ҳудудлар, соя-салқин жойлар ва тиббий хизматга яқинлик каби омиллар кексаларнинг мустақил ва хавфсиз ҳаёт кечиришини таъминлайди. Бу – кекса инсоннинг кундалик ҳаёти, саломатлиги, кайфияти ва жамиятдаги фаоллигига бевосита таъсир қилувчи муҳим омилдир.

**Шарбат АБДУЛЛАЕВА,**
***Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ҳузуридаги “Фахрийлар кенгаши” раиси:***

– Партиямиз аъзоларининг 218 мингга яқини пенсионерлар бўлиб, улар 70 га яқин миллат вакиллари ҳисобланади. Партиямизда “Фахрийлар кенгаши” ташкил этилган. Шунингдек, фақат марказда эмас, ҳар бир маъмурий ҳудудда “Фахрийлар кенгаши” тузилган. Нуронийлар, пенсионерлар манфаатларини ҳимоя қилиш партиямиз учун принципиал аҳамиятга эга.

Кексалар ва фахрийларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида **150 дан ортиқ** туман ва шаҳарда **“Нуронийлар маскани”** мажмуалари ташкил этилган. Лекин улар ҳам гавжум, фаол жой эмас.

Хўш, жойларда нега кексаларнинг “Мулоқот клублари” мавжуд эмас? Уларни мулоқотга чорлашимиз керак.

Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ва ёлғиз яшайдиган кексалар ҳар йили бир маротаба санаторийларда бепул соғломлаштирилиши белгиланган.

Лекин мурожаатлар тушяпти. Йиллаб навбат кутаётганлар бор. Яқинда бу бўйича яна тартиб ўзгарибди. Тиббий ёрдамга муҳтож ота-онахонлар қайси эшикни тақиллатишни билмай юрибди. Уларга имконият, имтиёзлар берилган. Аммо қандай, қачон фойдаланишни билмай қийналишяпти.

Кам таъминланган кексаларга шифокорларнинг рецептларига асосан 3 ойлик эҳтиёждан келиб чиқиб дори воситалари, тиббий ва махсус протез-ортопедия мосламалари олиб берилиши белгиланган. Аммо бу ҳам ҳудудларда бир марталик ёрдамга айланиб қолди. Албатта, халқимиз меҳрибон, ота-оналарга, нуронийларга ҳурмат ҳали ҳам жойида, фарзандлар, набиралар ғамхўрлик қилади. Аммо ёлғиз кексалар қачон дори-дармон келар экан, деб кутиб ўтира олмайди-ку. Бу масалалар бўйича мутасадди ташкилотлардан масъулиятли бўлишни қатъий сўраймиз.

“Мунозара майдони”да нуронийлар вакиллари ўзларини ўйлантираётган масалаларни айтишди ва таклифлари билан бўлишишди. Хусусан, санаторийларда навбат мавзуси бўйича қизғин муҳокама юзага келди.

**Жасурбек ЛАЗИЗЖОНОВ,**
***Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги мутахассиси:***

– Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигида тизим тўлиқ рақамлаштирилган. Бизга ҳам санаторийда навбат масаласида мурожаатлар бўлади. Масала шундаки, санаторийларда мавжуд сиғим етарли эмас. Шунинг учун бу масалани хусусий секторга бериш таклифи кўтариляпти. Инвестицияларни жалб қилган ҳолда санаторийлар сиғимини ошириш ўйланган.

**Ўткир ЭРМАТОВ,**
***“Нуроний” жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси ўринбосари:***

– Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги мутахассиси бу саволга яхши жавоб беролмади. Санаторийлар кам, шунинг учун бу катта муаммо. Буни ҳал этиш учун бизга таклифлар бўлган. Яъни Касаба уюшмаси федерацияси таркибида санаторийлар жуда кўп. Лекин нега улар ҳам қиммат? Ҳар бир нафақадаги инсон аввал касаба уюшма аъзоси бўлган-ку. Лекин у нафақага чиқиши билан аъзоликдан ҳам чиқарилади. Шунинг учун у бориб касаба уюшмадан 50 фоиз, 40 фоизлик имитёз билан йўлланма ололмайди.

Бунинг ечими битта. Яъни нуронийларни касаба уюшмаси аъзолигидан чиқариб юбориш керак эмас. Ёки ҳар бир соҳада ўзининг касаба уюшмаси бор. Лекин нуронийларники йўқ...

Ҳудудлардан келган вакиллар жойлардаги реал ҳолат ҳақида сўз юритишди. Қайси жойда қандай муаммо бор, нимани яхшилаш керак, қайси ташкилотлар биргаликда ишлаши зарур, шу масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

**Бахтиёр ТАШЕВ,**
***ЎзХДП Навоий вилоят кенгаши раиси:***

– Бугун муҳокаманинг асосий мақсади танқид эмас, балки муаммони ҳал қилишда барча масъулларнинг ҳамкорлиги, ўзаро интеграция масалаларини келишиб олишдир. Шу нуқтаи назардан, ҳар бир туман ва шаҳарда кексалар инфратузилмаси бўйича масъулларнинг ҳисоботи маҳаллий Кенгашларда эшитилиши, муаммолар юзасидан депутатлик сўровлари киритилиши ва ижроси жамоатчиликка очиқ эълон қилиниши зарур.

Шунингдек, партиямиз ушбу масалани доимий депутатлик ва жамоатчилик назоратига олиш тарафдори. Ҳар бир туман ва шаҳарда кексалар учун инфратузилманинг реал ҳолати ўрганилиб, мавжуд муаммолар бўйича масъуллар, аниқ муддатлар ва амалий ечимлар белгилаб берилиши зарур.

Биз Навоий вилояти партия ташкилоти сифатида бу масалани кун тартибидан туширмаймиз. Чунки кексалар ва пенсионерлар — партиямизнинг асосий электорати, уларнинг ҳаёт сифати, ижтимоий фаоллиги ва кундалик муаммоларини ҳал этиш эса Халқ демократик партиясининг сиёсий масъулияти марказида турган устувор вазифадир.

**Нуриддин ХОЛМАТОВ,**
***ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши раиси:***

– Бугунги кунда республикамиз миқёсида нуронийлар фаолиятини мувофиқлаштирадиган асосий тузилма – бу “Нуроний” жамғармаси ҳисобланади. Жиззах вилоятининг Шароф Рашидов туманида бугун 48 та маҳаллада 25 мингдан зиёд нуронийлар истиқомат қилади. Янгиобод туманида эса 8 та маҳаллада 3,5 мингга яқин нуронийлар яшайди. Лекин бу иккала туманда ҳам “Нуроний” жамғармасида 2 тадан штат билан фаолият олиб бормоқда. Бу туманлардаги штатлар масаласини ҳам қайта кўриб чиқиш керак, деган хулосани беради. Яъни бир туманда 25 мингдан зиёд нуроний бор, иккинчисида 3,5 мингга яқин. Лекин иккаласида ҳам 2 нафар штат бирлиги бор...

Албатта, нуронийлар билан ишлашда Жиззах вилоятида ижобий ишлар кўп. Кексалар учун учрашувлар, шахмат-шашка мусобақалари, “Уч авлод учрашуви”, “Китобхон бувижон ва набира” каби тадбирлар ташкил этиляпти. Бу яхши амалиёт. Энди бундай ишларни фақат шаҳар марказида эмас, туман ва маҳаллаларда ҳам тизимли йўлга қўйишимиз керак.

Шунинг учун биз бир нечта амалий таклифларни илгари сурамиз. Аввало, ҳар бир туман ва шаҳарда кексалар инфратузилмасининг аниқ харитаси шакллантирилиши керак. Қайси маҳаллада шароит бор, қайси маҳаллада йўқ, кексалар унга қандай етиб боради, қамров даражаси қандай — булар аниқ рақамлар билан кўрсатилиши лозим.

Иккинчи таклифимиз — мавжуд “Нуронийлар маскани” учун минимал стандартлар белгиланиши лозим. Масканда ичимлик суви, санитария шароити, иситиш ва совутиш тизими, пандус, ҳожатхона, дам олиш ўриндиқлари, шахмат-шашка, китоблар ва тиббий бурчак бўлиши керак. Агар бу талаблар бўлмаса, у жойни тўлиқ ишлайдиган ижтимоий инфратузилма деб айтиш қийин. Яна бир таклиф, масканларни фақат қуриш эмас, уларни сақлаш масаласи ҳам ҳал этилиши зарур. Ўрганишлар жараёнида биноларни сақлаш, коммунал тўловлар масаласи аниқ механизмга эга эмаслиги аниқланди. Ушбу масалалар бўйича ҳам масъул ташкилотлар бир тўхтамга келиши керак.

*Муаммолар, таклифлар умумлаштирилиб, партия фракциясига ва тегишли ташкилотларга етказиладиган бўлди.*

**“Ўзбекистон овози” мухбири Лазиза ШЕРОВА ёзиб олди.**

ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДА

# ТАШАББУСДАН АМАЛИЙ НАТИЖАГАЧА...

**Маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари халқнинг дардини эшитадиган, муаммосини юқорига олиб чиқадиган ва ечим бўлишига ҳаракат қиладиган куч бўлиши керак. Чунки одамлар депутатни, аввало, ўзининг вакили, деб билади.**



Халқнинг ишончи осонлик билан келмайди. Уни фақат амалий иш, ҳал қилинган муаммо ва самимий муносабат билан қозониш мумкин.

Бугун одамларга баландпарвоз гаплар эмас, амалий натижа керак. Йўл, ичимлик суви, иш ўрни, таълим ва тиббиёт билан боғлиқ муаммолар ҳал бўлса, халқ ислоҳотларни ўз ҳаётида ҳис қилади. Шунинг учун ҳар бир депутат одамлар орасида юриб, уларнинг фикри ва муаммосини эшитиб ишлаши муҳим.

Хўш, жорий йилнинг ўтган 4 ойи таҳлилларига назар ташласак, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари фаолиятига қандай баҳо берамиз? Улар нималар билан машғул? Кенгаш минбарида депутатларимиз ташаббуси билан қандай масалалар муҳокама этиляпти?

## 228 ТА МАСАЛА СЕССИЯЛАР МУҲОКАМАСИГА КИРИТИЛДИ

Бугунги кунда халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларида партиянинг 196 та депутатлик гуруҳи бор. Бу эса жойларда аҳолини қийнаётган муаммоларни ўрганиш, одамлар билан яқиндан мулоқот қилиш ва уларнинг манфаатларини ҳимояси учун катта куч дегани.

Депутатлик гуруҳлари орқали маҳаллалардаги муаммолар кўтарилмоқда, мутасадди ташкилотларга депутатлик сўровлари юборилмоқда, ижтимоий масалалар муҳокама этилиб, ечим топишга ҳаракат қилинмоқда.

Таҳлилларга кўра, депутатларимиз ташаббуси билан жойларда аҳоли бандлиги, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий хизматлар сифатини ошириш, соғлиқни сақлаш ва таълим тизимидаги муаммоларни бартараф этиш каби масалаларга бўйича назорат-таҳлил ишлари мунтазам олиб борилади.

Маълум бўлишича, депутатларимиз ташаббуси билан **337 та** масала партия гуруҳларида, **241 та** масала доимий комиссияларда кўриб чиқилди. Ўрганишлар жараёнида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларнинг сессиялари ўтказилиб, реал ҳолат таҳлил қилинмоқда, вазифалар белгиланмоқда. Масалан, ўтган даврда партия гуруҳларимиз ташаббуси билан сессиялар муҳокамасига **228 та** масала олиб чиқилди.

***Мавжуда ҲАСАНОВА,***
***ЎзХДП Марказий Кенгаши бошқарма бошлиғи:***



– Шунингдек, амалий назоратни кучайтириш мақсадида **305 маротаба** мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари эшитилди. Бу орқали жойлардаги муаммоларга қанчалик ечим берилаётгани, аҳоли мурожаатлари қандай ҳал этилаётгани ва қабул қилинган қарорлар ижроси қай даражада таъминланаётгани таҳлил қилинмоқда. Бу эса давлат органлари фаолияти устидан депутатлик назоратини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Энг муҳими, ҳар бир раҳбар ўз фаолияти юзасидан халқ ва депутатлар олдида масъул эканини ҳис қилиши керак. Чунки ҳисоботдан асосий мақсад қоғоздаги рақамлар эмас, одамларни қийнаётган масалаларга амалий ечим топишдир.

Бундан ташқари, депутатлик сўровлари имкониятларидан самарали фойдаланиш орқали жойлардаги йиллаб ечимини кутаётган қатор муаммоларга эътибор қаратилмоқда. Айниқса, аҳолини қийнаётган масалаларни тегишли ташкилотлар олдига аниқ қилиб қўйиш ва уларнинг ижроси назоратида депутатлик сўрови муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган 4 ойи давомида маҳаллий Кенгашлар депутатлари томонидан жами **2 428 та** депутатлик сўровлари юборилиб, уларнинг **1 409 таси**га жавоб олинди.

Масалан, яқинда халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутати Муҳсиддин Низомиддинов ташаббуси билан D-016 автомобиль йўлининг Жумабозор-Охунбобоев- Жамбул-Булоқбоши- Намданак-Красногорск ҳудудларидан ўтувчи қисмларидаги муаммолар манзилли ўрганилди.

Мутасадди ташкилотларга депутатлик сўрови юборилди. Натижада якунланмаган таъмирлаш ишлари назоратга олинди, сифатсиз участкалар қайта техник кўрикдан ўтказиладиган ва йўл чизиқлари, белгилари янгиланадиган бўлди.

Халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутати Шерали Мамадетсоев томонидан ҳам йўл масаласи ўрганилди.

Депутат ташаббуси билан Ховос туманидаги "Янгиер-Парчаюз" ҳудудидаги йўлларнинг яроқсиз ҳолатга келиб қолгани бўйича масала вилоят Кенгаши доимий комиссияси муҳокамасига киритилди. Тегишли ташкилотларга депутатлик сўрови юборилди.

Ҳаракатлар бесамар кетмади. Йўлларни таъмирлаш бўйича қарор қабул қилинди ва яқин кунларда унинг ижроси бўйича ишлар бошланади.

Бундай амалий ишларни кўплаб келтириш мумкин. Энг муҳими, депутатларимиз ҳар бир сўров ортида одамларнинг умиди, муаммоси турганини ҳис қиляпти.

Шунингдек, барча минтақаларда депутатлар томонидан "Депутат маҳаллада" лойиҳаси амалга оширилиб келинмоқда. Лойиҳа доирасида бугунгача **3 мингдан** ортиқ ёлғиз кексалар, боқувчиси йўқ оилалар, ногиронлар ҳамда эҳтиёжмандлар ҳолидан хабар олинди.

"Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" га киритилган **3 мингдан** ортиқ оила ҳолати ўрганиб чиқилди. Депутатлар томонидан фуқаробай, хонадонбай аҳоли муаммоларини ўрганиш мақсадида **4 мингдан ортиқ** учрашувлар, сайёр қабуллар ўтказилди. Унда **300 мингга** яқин аҳоли қамраб олинган.

Учрашувларда **4 мингдан** ортиқ муаммо ва мурожаатлар келиб тушган. Ушбу муаммоларнинг 90 фоизи депутатлар томонидан назоратга олиниб, ижросини таъминлаш мақсадида депутатлик сўровлари чиқарилди. Аҳолини ўйлантираётган йўл таъмирлаш, электр энергияси, сув таъминоти, янги иш ўринларини яратишга оид масалалар ўрганиб чиқилди, уларни ижобий ҳал этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди.

Энг муҳими, депутатлик ташаббуслари муҳокама босқичидан чиқиб, "қарор – ижро – назорат" занжири асосида амалий натижага айланмоқда. Бу эса ҳудудда партия депутатлик гуруҳлари фаолияти сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилганини англатади.

## ҲУДУДЛАР КЕСИМИДА

Депутатлар фаоллиги орқали шаҳар ва қишлоқлардаги кўп муаммолар бартараф этиляпти. Жойларда аҳолини қийнаётган масалаларни ўрганиш, уларни тегишли ташкилотлар олдига кўтариб чиқиш ва ечимини топишда депутатларнинг ўрни сезиларли бўлиб бормоқда.

Ўтган 4 ой давомида Андижон вилояти, шаҳар ва туман Кенгашларидаги партия гуруҳлари томонидан **30 та масала партия** гуруҳларида, **9 та масала** доимий комиссия йиғилишларида ва **15 та масала сессиялар кун** тартибига киритилди. Ўтган даврда жами **67 та** депутатлик сўровлари юборилган бўлиб, шундан **46 та** депутатлик сўровларига жавоб олинган. Ижро хокимияти вакиллари ҳисоботлари **18** маротаба эшитилди.



***Осмонжон АҲМЕДОВ,***
***ЎзХДП Андижон вилоят кенгаши депутатлик бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича координатор ва депутатлар ёрдамчиси:***

– Ҳудудлар кесимида қарайдиган бўлсак, ҳар бир туман ва шаҳардаги ҳолат бир хил эмаслигини кўришимиз мумкин. Бир жойда асосий масала инфратузилма ва йўллар бўлса, бошқа ҳудудда иш ўринлари яратиш ёки ижтимоий ёрдамга эҳтиёж кўпроқ сезилади.

Шу боис депутатлик гуруҳлари ҳам айнан шу фарқларни ҳисобга олган ҳолда иш олиб боряпти. Муаммоларни умумий эмас, балки ҳудуднинг реал шароити ва аҳолининг эҳтиёжидан келиб чиқиб ўрганиш ва ҳал этишга эътибор қаратяпмиз.

Бугунги кунда халқ депутатлари вилоят Кенгашида депутатларимиз сони **15** нафарни ташкил этади. Халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашларида эса **86** нафар депутатимиз бор.

Таҳлилларга кўра, депутатларимиз фаоллиги ошиб бормоқда. Буни жойларда аҳоли билан мулоқотнинг кучайгани, мурожаатларни кўриб чиқиш тезлашгани ва муаммоларни ҳал қилиш бўйича амалий ишлар кўпайгани ҳам тасдиқлайди.

Умуман олганда, Андижон вилояти мисолида депутатлик гуруҳлари фаолияти бир неча муҳим жиҳатлар билан ажралиб туради. Биринчидан, депутатлик сўровлари ва мурожаатлар бўйича юқори самарадорлик таъминланган. Иккинчидан, ҳар бир масала чуқур таҳлил ва жамоатчилик иштирокида кўриб чиқилмоқда. Учинчидан, муҳокамалар аниқ қарор ва ижро механизмлари билан якунланмоқда.

* * *

Депутатлар фаолиятини барча ҳудудлар мисолида битта саҳифада тўлиқ қамраб олишнинг иложи йўқ, албатта. Чунки ҳар бир туман ва шаҳардаги шароит, аҳоли муаммолари ва устувор вазифалар ўзаро фарқ қилади.

Андижонлик партиямиз фаолининг фикрга биз ҳам қўшиламиз. Яъни депутатлик гуруҳлари фаолияти ҳам маҳаллий шароитдан келиб чиқиб ташкил этилиши, энг аввало, аҳолининг реал эҳтиёжларига қаратилган бўлиши керак. Муаммоларни умумий эмас, балки аниқ манзиллар бўйича ўрганиш ва ечим топиш самарали натижа беради.

Хўш, бошқа ҳудудлардаги партия гуруҳларимиз нима гап? Кейинги сонларимизда бу саволга жавоб излаймиз.

**Ўз мухбиримиз.**

---

ҲУДУДИЙ ТАШКИЛОТЛАРДА

# МАҚСАДЛАР МУШТАРАК БЎЛСА, ОДАМЛАР ҚАЛБИГА ЙЎЛ ТОПИЛАДИ

**Бошланғич партия ташкилотларининг пойдевори мустаҳкам бўлса, таклиф ва ташаббуслар кўпаяди. Сафимизга шижоатли ва ташаббускор йигит-қизлар қўшилади.**

Буни Узун туман тиббиёт бирлашмасидаги бошланғич партия ташкилотида олиб борилаётган хайрли ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Мазкур жамоада 3 минг нафардан ортиқ киши меҳнат қилаётган бўлса, уларнинг 300 нафардан зиёди ХДП аъзоларидир.

– Қуйи бўғин кўп йиллардан буён самарали фаолият кўрсатиб келмоқда, – дейди Узун туман тиббиёт бирлашмаси БПТ раҳбари Асила Ҳамдамова. – Дастлабки одимни партия дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда фидоий ва янгиликка интилувчан инсонларнинг бошини бириктиришдан бошлагандик. Ҳар жиҳатдан иқтидорли ва салоҳиятли кишилар жалб қилинди. Бунинг ижобий натижаси ўлароқ, ташаббускорлар сони кўпайди. Бирлашма ва жойлардаги муассасаларда кўплаб ютуқлар қўлга киритилди. Янгиланиш ва ўзгаришларга партиядошларимиз муносиб ҳисса қўшиб келаётганидан ҳар қанча фахрлансак, арзийди.

– Ташаббускорлик фаолият мезонимиз ва турмуш тарзимизга айланиши лозим, – дейди тиббиёт бирлашмаси бошлиғи, ХДП фаоли Сайриддин Юлдошев. – Ҳар сафдошимиз шунга монанд иш юритаётгани таҳсинга сазовор. Ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлаш дейсизми, кексалар ҳолидан хабар олишми ёки беморларни йўқлашми – барча йўналишларни қамраб олишга ҳаракат қиляпмиз. Шунинг учун одамлар бизга ишонмоқда.

Ўзбекистон ХДП Узун туман кенгаши раиси Ибодулло Мусурмоновнинг айтишича, бугунги кунда хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлашга устувор эътибор қаратилмоқда. Қишлоққа саноатни олиб кириш ва қайта ишлашни йўлга қўйиш, кичик тадбиркорликни ривожлантириш каби маълум чора-тадбирлар қаторида аҳоли ўртасида ҳуқуқий йўналишда тарғибот-ташвиқот ишларини жонлантириш зарурати сезилаётир.

– Энг асосийси, одамларни қийнаётган масалаларни жойида ўрганиш ва уларга ўз вақтида ечим топишдир, – дейди И. Мусурмонов. – Бу борада бизда ўзига хос мактаб яратилганини алоҳида айтиб ўтмоқчиман. Ҳозирги кунда 7 минг 500 нафардан ортиқ аъзони бирлаштирган 60 та бошланғич партия ташкилоти фаолият кўрсатаётган бўлса, фаолларимизнинг асосий қисмини ёшлар ташкил қилади. Тарафдорларимиз сонини янада кўпайтириш мақсадида жорий йилнинг ўтган даврида "Обод юрт", "Маданий турмуш", "Файзова", "Файзобод", "Мустақиллик", "Тожикобод", "Меҳнат", "Янги рўзғор" ва бошқа маҳаллаларда учрашувлар ташкил қилинди. Семинар ва очиқ мулоқотлар ўтказилмоқда. Бунинг ижобий натижаси ўлароқ, 300 нафарга яқин киши сафимизга қўшилди. Йил якунига қадар яна 500 нафардан ортиқ йигит-қизни партия сафига қабул қилиш кўзда тутилган.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**"Ўзбекистон овози" мухбири.**



ҲАМКОРИМИЗ

# Сув таъминоти яхшиланиши

## истеъмолчилар маданиятига ҳам боғлиқ

Мамлакатимизда сув таъминоти ва оқова сув тизимини модернизация қилиш нафақат коммунал соҳани ривожлантириш, балки аҳоли саломатлигини муҳофазалаш, экологик барқарорликни таъминлаш ҳамда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига хизмат қилувчи муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг очиқлиги ва жамоатчиликка тезкор етказилиши соҳадаги ишонч ҳамда самарадорликни янада мустаҳкамламоқда.

Шу мақсадда “Ўзсувтаъминот” акциядорлик жамияти томонидан Сирдарё вилояти маркази – Гулистон шаҳрида жойлашган оқова сув тозалаш иншоотида оммавий ахборот воситалари ва блогерлар учун пресс-тур ташкил этилди. Тадбир давомида иштирокчилар иншоотнинг фаолияти, оқова сувларни тозалаш технологияси ҳамда лаборатория таҳлиллари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, замонавий технологиялар асосида барпо этилган мазкур иншоотнинг умумий қиймати 7 миллион АҚШ долларини ташкил қилади. Иншоот 2025 йил 1 июндан ишга туширилган бўлиб, бир суткада 25 минг куб метр оқова сувни тозалаш қувватига эга. Бундай иншоотлар санитария ва экологик хавфсизликда, атроф-муҳит муҳофазаси ҳамда аҳоли учун қулай яшаш шароитини яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Пресс-тур доирасида журналистлар иншоот лабораториясида оқова сув намуналарини таҳлил қилиш жараёнлари билан ҳам танишиб,



тозалаш натижаларининг экологик кўрсаткичлари назорати ҳақида батафсил маълумот олди.

Тадбирдан сўнг “Ўзсувтаъминот” АЖ Ахборот хизмати ҳамда “Сирдарё сув таъминоти” АЖ мутасаддилари иштирокида матбуот анжумани ўтказилди. Унда вилоятда ва республика миқёсида ичимлик суви таъминотини яхшилаш, оқова сув хизматлари тизимини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида ахборот берилди.

– Бугунги кунда вилоятимиз аҳолисининг 88,4 фоизи марказлашган ичимлик суви билан таъминланган, – дейди “Сирдарё сув таъминоти” АЖ бош муҳандиси Маҳмуд Яров. – Жорий йилда бюджет маблағлари ҳисобидан 182 километр ичимлик суви тармоқлари ҳамда 3 та сув иншооти қурилиши якунланмоқда. Шунингдек, Гулистон шаҳрини 24 соатлик ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳаси доирасида 87 километр масофага янги тармоқ тортилди. Натижада 22 минг хонадон ёки 102 минг нафар аҳолининг сув таъминоти яхшиланди.



“Ўзсувтаъминот” АЖ Ахборот хизмати раҳбари Акмал Муродов республика миқёсида сув таъминоти ва оқова сув хизматлари тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар ҳақида тўхталар экан, тизимнинг барқарор ишлаши нафақат инфратузилма қурилишига, балки истеъмолчилар маданияти, тўлов интизоми ва хизматдан оқилона фойдаланишга боғлиқ эканини алоҳида қайд этди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ, “Ўзбекистон овози” мухбири.**

ЭЪТИРОФ

# ИЛМ ДОИМ ЯНГИЛАНИШГА МУҲТОЖ

Яқинда пойтахтимизда халқаро миқёсда ўтказилган **“Илмий ютуқлар эътирофи”** кўрик-танловининг тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ушбу тадбирда илм-фан соҳасида фаол изланиш олиб бораётган ёш олимлар, тадқиқотчилар ҳамда инновацион лойиҳалар муаллифлари ўзларининг илмий ишлари, яратган ғоялари ва амалий аҳамиятга эга бўлган ишланмалари билан иштирок этди.






Илм йўлида изланишлар олиб бораётган ана шундай ёшлар орасида **Тошкент ижтимоий инновация университети амалий психология йўналиши 4-босқич талабаси Барно Мусахўжаева ҳам бор. У “Илмий изланишлар эътирофи” эсдалик кўкрак нишони билан тақдирланди.**

– Кўрик-танловда ҳар қандай ёшда янги кўникмаларни ўрганишнинг муҳимлиги бўйича ёзган мақолам билан иштирок этдим. Мақоламда инсон ҳаётининг турли босқичларида янги кўникмаларни ўрганиш масаласини илмий-назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилдим. Хусусан, болалик, ўсмирлик, ёшлик ва катта ёш даврларида билим ва малака эгаллаш жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг шахс ривожига таъсири ҳамда бу жараённинг узлуксиз характерга эга эканлиги илмий манбалар асосида ёритиб берилди.

Айниқса, глобаллашув ва тез ўзгариб бораётган технологиялар шароитида янги кўникмаларни ўзлаштиришнинг аҳамияти янада ортиб бораётгани маълум. Чунки бугунги кунда билим ва малака тез эскирувчи ресурсга айланган бўлиб, уни доимий янгилаб бориш шахс ва жамият тараққиётининг асосий шартига айланмоқда, – дея таъкидлайди Барно.

**Ўз мухбиримиз.**

ТАҚДИМОТ

# “Бизнесни ривожлантириш банки”дан янги лойиҳа – БРБ Корпоратив университети

**Кичик ва ўрта бизнес Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий локомотивларидан ҳисобланади. Ушбу соҳа мамлакат ЯИМнинг 54,3 фоизини шакллантириб, унда 10,5 миллиондан ортиқ юртдошимиз меҳнат қилмоқда.**

“Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ томонидан амалга оширилган БРБ Корпоратив университети лойиҳаси ҳам айнан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, замонавий бошқарув кўникмаларини оммалаштириш ҳамда тадбиркорлик муҳитини янада мустаҳкамлашга қаратилган муҳим ташаббусдир. Пойтахтимизда ушбу лойиҳанинг тантанали тақдимоти бўлиб ўтди.

Урғу берилганидек, мазкур стратегик лойиҳа бизнес-таълим соҳасида жаҳоннинг етакчиларидан бири – «Сколково” Москва бошқарув мактаби билан ҳамкорликда, миллий хусусиятлар ва ҳудудлардаги реал бизнес вазифаларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон миллий ривожланиш институти сифатида барпо этилмоқда.





**БУГУН ТАДБИРКОРЛАРГА ФАҚАТГИНА МОЛИЯВИЙ РЕСУРС ЁКИ КРЕДИТ ЭМАС, БАЛКИ ТЎҒРИ БОШҚАРУВ ҚАРОРЛАРИ, БОЗОР КОНЪЮНКТУРАСИНИ ЧУҚУР АНГЛАШ ВА РАҚАМЛИ КЎНИКМАЛАР СУВ ВА ҲАВОДЕК ЗАРУРДИР. КОРПОРАТИВ УНИВЕРСИТЕТ АНА ШУ ЭҲТИЁЖЛАРНИ ҚОПЛАШ ВА ЎЗБЕКИСТОННИНГ БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ КЕЛАЖАГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИГА ХИЗМАТ ҚИЛИШИ БИЛАН АҲАМИЯТЛИ.**

БРБ Корпоратив университети бир вақтнинг ўзида ҳам ички (банк ходимлари), ҳам ташқи (мижозлар ва тадбиркорлар) аудитория билан бирдай ишлайдиган ягона ривожланиш муҳитини яратади. Қолаверса, университет фаолиятининг ҳозирда режалаштирилаётган устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат:

замонавий технологиялар: рақамли трансформация, сунъий интеллектни жорий этиш ҳамда замонавий бошқарув ёндашувлари;

бизнесни қўллаб-қувватлаш: кичик ва ўрта бизнес вакилларини ўқитиш, бизнесни масштаблаштириш, маркетинг, экспорт ва e-commerce (электрон тижорат) йўналишлари;

стартаплар ва инновациялар: BRB Startup Hub орқали истиқболли бизнес ғояларни қўллаб-қувватлаш;

ижтимоий масъулият: хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг молиявий имкониятларини кенгайтириш;

банк трансформацияси: банк ходимларида тадбиркорлик тафаккури, рақамли саводхонлик ва мижозлар билан ишлаш компетенцияларини ривожлантириш.

Университетда билимларни юқори даражага етказиш учун банкнинг кучли мутахассислари ва раҳбарларидан иборат ички экспертлар (ментор ва устозлар) базаси шакллантирилади.

**Тоштемир МУРОД.**



## МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАР

# «INSON» акциядорлик жамияти суғурта ташкилоти

**Рўйхатга олиш рақами: Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги лицензияси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги 00058-сонли СФ серияси, буйруқ 2022 йил 14 мартдаги 36-СФ-сон.**

**Юридик манзили:** 100011, Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, Зулфияхонум кўчаси, 12-уй

### 2025 йил 31 декабрь ҳолатига кўра бухгалтерия баланси

| Кўрсаткичлар номи | Сатр коди | Ҳисобот даври бошига | Ҳисобот даври охирига |
|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| **Актив** | | | |
| **I. Узоқ муддатли активлар** | | | |
| **Асосий воситалар:** | | | |
| Бошланғич (қайта тиклаш) қиймати (0100, 0300) | 010 | 20 391 246,25 | 21 276 842,60 |
| Эскириш суммаси (0200) | 011 | 8 479 340,07 | 10 145 661,56 |
| Қолдиқ (баланс) қиймати (сатр. 010 - 011) | 012 | 11 911 906,18 | 11 131 181,04 |
| Номоддий активлар: | | | |
| Бошланғич қиймати (0400) | 020 | | |
| Амортизация суммаси (0500) | 021 | | |
| Қолдиқ (баланс) қиймати (сатр. 020 - 021) | 022 | 0,00 | 0,00 |
| Узоқ муддатли инвестициялар, жами (сатр. 040 + 050 + 060 + 070 + 080), шу жумладан: | 030 | 16 021 104,68 | 10 423 804,90 |
| Қимматли қоғозлар (0610) | 040 | 1 117 096,61 | 1 109 472,25 |
| Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар (0620) | 050 | | |
| Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар (0630) | 060 | 14 904 008,07 | 9 314 332,65 |
| Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар (0640) | 070 | | |
| Бошқа узоқ муддатли инвестициялар (0690) | 080 | | |
| Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар (0700) | 090 | | |
| Капитал қўйилмалар (0800) | 100 | 12 940 000,00 | 47 138 707,96 |
| Узоқ муддатли дебиторлик қарзлари (0910, 0920, 0930, 0940) | 110 | | |
| Узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар (0950, 0960, 0990) | 120 | | |
| I бўлим бўйича жами (сатр. 012 + 022 + 030 + 090 + 100 + 110 + 120) | 130 | 40 873 010,86 | 68 693 693,90 |
| **II. Жорий активлар** | | | |
| Товар-моддий захиралари, жами (сатр.150 + 160), шу жумладан: | 140 | 924 128,08 | 933 657,07 |
| Материаллар (1000, 1500, 1600) | 150 | 924 128,08 | 933 657,07 |
| Тугалланмаган хизматлар (2000, 2300, 2700) | 160 | | |
| Келгуси давр харажатлари (3100) | 170 | | 66 326,40 |
| Кечиктирилган харажатлар (3200) | 180 | | |
| Дебиторлар, жами (сатр. 200 + 310 + 320 + 330 + 340 + 350 + 360 + 370 + 380 + 390). | 190 | 43 224 213,38 | 87 481 825,60 |
| шундан: муддати ўтган | 191 | | |
| Тўланадиган счётлар, жами (сатр. 210 + 220 - 400) | 200 | 10 428 014,35 | 13 839 713,18 |
| Харидорлар ва буюртмачиларнинг қарзи (4010, 4020) | 210 | | 0,00 |
| Суғурта операциялари бўйича дебиторлар, жами (сатр. 230 + 240 + 250 + 260 + 270 + 280 + 290 + 300) | 220 | 10 428 014,35 | 13 839 713,18 |
| Суғурта қилдирувчиларнинг қарзлари (4030) | 230 | 23 845,76 | 546 722,51 |
| Суғурта агентлари ва брокерларининг қарзлари (4040) | 240 | 906 395,42 | 937 254,03 |
| Қайта суғурта қилдирувчиларнинг қарзлари (4050) | 250 | | |
| Қайта суғурталовчиларнинг комиссион мукофотлар, тантьема ва бошқа мукофотлар бўйича қарзлари (4051) | 260 | | |
| Қайта суғурталовчиларнинг қарзлари (4060) | 270 | 9 497 773,17 | 12 355 736,64 |
| Ҳаёт суғуртаси бўйича ссудалар (4070) | 280 | | |
| Суғурталовчининг бошқа суғурталовчилардаги депо зарари (4080) | 290 | | |
| Суғурталовчининг бошқа суғурталовчилардаги депо мукофотлари (4090) | 300 | | |
| Алоҳида бўлинмаларнинг қарзи (4110) | 310 | | |
| Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларининг қарзи (4120) | 320 | | |
| Ходимларга берилган бўнаклар (4200) | 330 | 36 415,02 | |
| Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар (4300) | 340 | 23 196 431,49 | 20 804 562,78 |
| Бюджетга бўнак тўловлари (4400) | 350 | 377 601,38 | 825 296,97 |
| Мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнак тўловлари (4500) | 360 | | 8 800,66 |
| Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзи (4600) | 370 | | |
| Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзи (4700) | 380 | 786 917,68 | 505 676,92 |
| Бошқа дебиторлик қарзлари (4800) | 390 | 8 398 833,46 | 51 497 775,09 |
| Ишончсиз қарзлар бўйича резерв (4900) | 400 | | |
| Пул маблағлари, жами (сатр.420 + 430 + 440 + 450),шу жумладан: | 410 | 3 081 480,55 | 1 792 299,30 |
| Кассадаги пул маблағлари (5000) | 420 | | |
| Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари (5100) | 430 | 2 609 286,61 | 1 092 621,50 |
| Чет эл валютасидаги пул маблағлари (5200) | 440 | 233 505,49 | 285 955,51 |
| Бошқа пул маблағлари ва эквивалентлари (5500, 5600, 5700) | 450 | 238 688,45 | 413 722,29 |
| Қисқа муддатли инвестициялар (5800) | 460 | 95 928 111,65 | 96 961 807,71 |
| Бошқа жорий активлар (5900) | 470 | | |
| II бўлим бўйича жами (сатр. 140 + 170 + 180 + 190 + 410 + 460 + 470). | 480 | 143 157 933,66 | 187 235 916,08 |
| Баланс активи бўйича жами (сатр. 130 + 480) | 490 | 184 030 944,52 | 255 929 609,98 |
| **Пассив** | | | |
| **I. Ўз маблағлари манбалари** | | | |
| Устав капитали (8300) | 500 | 65 751 457,40 | 85 751 457,40 |
| Қўшилган капитал (8400) | 510 | 199 096,23 | 199 096,23 |
| Захира капитали (8500) | 520 | 1 896 451,22 | 1 884 251,73 |
| Сотиб олинган хусусий акциялар (8600) | 530 | | |
| Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) (8700) | 540 | 802 869,03 | 5 925 653,50 |
| Мақсадли тушумлар (8800) | 550 | | |
| Келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун захиралар (8900) | 560 | | |
| I бўлим бўйича жами (сатр. 500 + 510 + 520-530 + 540 + 550 + 560) | 570 | 68 649 873,88 | 93 760 458,86 |
| **II. Суғурта захиралари** | | | |
| Суғурта захиралари, жами (сатр. 590 + 600 + 610 + 620 + 630 + 640 + 650 + 660) | 580 | 130 918 972,65 | 157 751 043,81 |
| Ишлаб топилмаган мукофотлар захираси (8010) | 590 | 99 088 101,88 | 128 571 074,12 |
| Содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захираси (8020) | 600 | 25 084 364,93 | 23 375 527,51 |
| Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси (8030) | 610 | 3 278 850,72 | 993 310,50 |
| Огоҳлантириш чора-тадбирлари захираси (8040) | 620 | | |
| Активларнинг номувофиқлиги захираси (8050) | 630 | | |
| Фалокатлар захираси (8060) | 640 | 3 467 655,12 | 4 811 131,68 |
| Зарарлиликнинг тебраниши захираси (8070) | 650 | | |
| Ҳаёт суғуртаси бўйича захиралар (8090) | 660 | | |
| Қайта суғурталовчиларнинг суғурта захираларидаги улуши, жами (сатр. 680 + 690 + 700 + 710) | 670 | 23 418 385,83 | 4 763 593,47 |
| Ишлаб топилмаган мукофотлар захирасидаги қайта суғурталовчиларнинг улуши (8110) | 680 | 16 779 363,52 | 4 023 739,30 |
| Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захирасидаги қайта суғурталовчиларнинг улуши (8120) | 690 | | |
| Содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захирасидаги қайта суғурталовчиларнинг улуши (8130) | 700 | 6 639 022,31 | 739 854,17 |
| Ҳаёт суғуртаси бўйича захиралардаги қайта суғурталовчиларнинг улуши (8140) | 710 | | |
| II бўлим бўйича жами (сатр. 580 - 670) | 720 | 107 500 586,82 | 152 987 450,34 |
| **III. Мажбуриятлар** | | | |
| Узоқ муддатли мажбуриятлар, жами (сатр. 740 + 750 + 850 + 860 + 870 + 880 + 890 + 900 + 910 + 920) | 730 | 0,00 | 0,00 |
| шудан: узоқ муддатли кредиторлик қарзлари (сатр. 740 + 760 + 770 + 780 + 790 + 800 + 820 + 830 + 850 + 870 + 890 + 920) | 731 | 0,00 | 0,00 |
| Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга узоқ муддатли қарз (7010, 7020) | 740 | | |
| Суғурта операциялари бўйича узоқ муддатли мажбуриятлар, жами (сатр. 760 + 770 + 780 + 790 + 800 + 810 + 820 + 830) | 750 | 0,00 | 0,00 |
| Огоҳлантириш чора -тадбирларини амалга оширувчи пудратчиларга узоқ муддатли қарзлар (7011) | 760 | | |
| Суғурта қилдирувчиларга узоқ муддатли қарзлар (7030) | 770 | | |
| Суғурта агентлари ва брокерларига узоқ муддатли қарзлар (7040) | 780 | | |
| Қайта суғурта қилдирувчиларга узоқ муддатли қарзлар (7050) | 790 | | |
| Қайта суғурталовчиларга узоқ муддатли қарзлар (7060) | 800 | | |
| Қайта суғурталовчиларнинг депо мукофотлари (7070) | 810 | | |
| Қайта суғурта қилдирувчиларга комиссион мукофотлар, тантьема ва бошқа мукофотлар бўйича узоқ муддатли қарзлар (7080) | 820 | | |
| Актуарийлар, аджастерлар, сюрвейерлар ва ассистансларга узоқ муддатли қарзлар (7090) | 830 | | |
| Алоҳида бўлинмаларга узоқ муддатли қарз (7110) | 840 | | |
| Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларга узоқ муддатли қарз (7120) | 850 | | |
| Узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар (7210, 7220, 7230) | 860 | | |
| Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар (7240) | 870 | | |
| Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар (7250, 7290) | 880 | | |
| Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар (7300) | 890 | | |
| Узоқ муддатли банк кредитлари (7810) | 900 | | |
| Узоқ муддатли қарзлар (7820, 7830, 7840) | 910 | | |
| Бошқа узоқ муддатли кредиторлик қарзлар (7900) | 920 | | |
| Жорий мажбуриятлар,жами (сатр. 940 + 950 + 1050 + 1060 + 1070 + 1080 + 1090 +1100 + 1110 + 1120 + 1130 + 1140 + 1150 + 1160 + 1170 + 1180) | 930 | 7 880 483,82 | 9 181 700,78 |
| шу жумладан: жорий кредиторлик қарзлари сатр. (940 + 960 + 970 + 980 + 990 + 1000 + 1020 + 1030 + 1050 + 1070 + 1090 + 1100 + 1110 + 1120 + 1130 + 1140 + 1180) | 931 | 7 880 483,82 | 9 181 700,78 |
| шундан: муддати ўтган жорий кредиторлик қарзлари | 932 | | |
| Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз (6010, 6020) | 940 | 325 062,44 | 1 915 957,16 |
| Суғурта операциялари бўйича мажбуриятлар, жами (сатр. 960 + 970 + 980 + 990 + 1000 + 1010 + 1020 + 1030) | 950 | 6 221 507,97 | 5 128 845,63 |
| Огоҳлантириш чора -тадбирларини амалга оширувчи пудратчиларга қарзлар (6011) | 960 | | |
| Суғурта қилдирувчиларга қарзлар (6030) | 970 | 1 697 280,66 | 373 902,55 |
| Суғурта агентлари ва брокерларига қарзлар (6040) | 980 | 512 222,03 | 713 189,60 |
| Қайта суғурта қилдирувчиларга қарзлар (6050) | 990 | | |
| Қайта суғурталовчиларга қарзлар (6060) | 1000 | 4 009 436,42 | 4 026 982,90 |
| Қайта суғурталовчиларнинг депо мукофотлари (6070) | 1010 | | |
| Қайта суғурта қилдирувчиларга комиссион мукофотлар, тантьема ва бошқа мукофотлар бўйича қарзлари (6080) | 1020 | 2 568,86 | 14 770,58 |
| Актуарийлар, аджастерлар, сюрвейерлар ва ассистансларга қарзлар (6090) | 1030 | | |
| Алоҳида бўлинмаларга қарз (6110) | 1040 | | |
| Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига қарз (6120) | 1050 | | |
| Кечиктирилган даромадлар (6210, 6220, 6230) | 1060 | | |
| Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар (6240) | 1070 | | |
| Бошқа кечиктирилган мажбуриятлар (6250, 6290) | 1080 | | |
| Олинган бўнаклар (6300) | 1090 | 122 918,80 | 70 684,96 |
| Бюджетга тўловлар бўйича қарз (6400) | 1100 | 547 619,55 | 1 603 070,65 |
| Суғурта бўйича қарз (6510) | 1110 | | |
| Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарз (6520) | 1120 | 427 939,19 | 427 929,71 |
| Таъсисчиларга бўлган қарзлар (6600) | 1130 | | |
| Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз (6700) | 1140 | 235 435,87 | 12 156,58 |
| Қисқа муддатли банк кредитлари (6810) | 1150 | | |
| Қисқа муддатли қарзлар (6820, 6830, 6840) | 1160 | | |
| Узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми (6950) | 1170 | | |
| Бошқа кредиторлик қарзлар (6950 дан ташқари 6900) | 1180 | | 23 056,09 |
| III бўлим бўйича жами (сатр. 730 + 930) | 1190 | 7 880 483,82 | 9 181 700,78 |
| Баланс пассиви бўйича жами (сатр. 570 + 720 + 1190) | 1200 | 184 030 944,52 | 255 929 609,98 |

### 2025 йил учун молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи.

| Кўрсаткичлар номи | Сатр коди | Ўтган йилнинг шу даврида | | Ҳисобот даврида | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | даромадлар (фойда) | харажатлар (зарарлар) | даромадлар (фойда) | харажатлар (зарарлар) |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| Суғурта хизматларини кўрсатишдан даромадлар, (сатр. 011 - 012 + 013 + /-014 + /-015 + /-016 + /-017 + /-018 + 019), шу жумладан: | 010 | 156 971 521,05 | x | 141 039 058,97 | x |
| Тўғридан-тўғри суғурта қилиш ва биргаликда суғурта қилиш бўйича (биргаликда суғурта қилиш шартномасида суғурталовчининг белгиланган улуши қисмида) суғурта мукофотлари | 011 | 172 095 169,52 | x | 170 775 497,32 | x |
| Қайта суғурта қилишга берилган шартномалар бўйича суғурта мукофотлари | 012 | x | 65 281 703,47 | x | 9 581 555,54 |
| Қайта суғурта қилишга қабул қилинган шартномалар бўйича суғурта мукофотлари | 013 | 76 466 095,32 | x | 25 331 980,72 | x |
| Ишлаб топилмаган мукофотлар захирасидаги қайта суғурталовчиларнинг улушини ҳисобга олган ҳолдаги, ишлаб топилмаган мукофотлар захираси ўзгаришининг натижаси | 014 | 16 504 278,67 | 37 243 598,54 | | 42 238 596,46 |
| Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захирасидаги қайта суғурталовчиларнинг улушини ҳисобга олган ҳолдаги, хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган зарарлар захираси ўзгаришининг натижаси | 015 | | 191 365,70 | 2 285 540,22 | |

► (Давоми 8-бетда)

(Давоми. Боши 7-бетда)

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захирасидаги қайта суғурталовчиларнинг улушини ҳисобга олган ҳолдаги, содир бўлган, лекин хабар қилинмаган зарарлар захираси ўзгаришининг натижаси | 016 | 6 607 062,05 | 9 242 474,08 | | 4 190 330,72 |
| Ҳаёт суғуртаси бўйича захиралардаги қайта суғурталовчиларнинг улушини ҳисобга олган ҳолдаги, ҳаёт суғуртаси бўйича захиралар ўзгаришининг натижаси | 017 | | | | |
| Бошқа техник захиралардаги қайта суғурталовчиларнинг улушини ҳисобга олган ҳолдаги, тегишли захиралар ўзгаришининг натижаси | 018 | | 2 741 942,72 | | 1 343 476,57 |
| Суғурта хизматларини кўрсатишдан бошқа даромадлар | 019 | | x | | |
| Воситачилик хизматини кўрсатишдан даромадлар | 020 | | x | | x |
| Қайта суғурта бўйича зарарлар улушининг қопланиши бўйича даромадлар | 030 | | x | | x |
| Қайта суғурта бўйича комиссион мукофотлар, тантьемалар ва йиғимлар бўйича даромадлар | 040 | | x | | |
| Аджастер ва сюрвейер хизматларини кўрсатишдан олинган даромадлар | 050 | | x | | |
| Суғурта хизматларини кўрсатишдан соф тушум (сатр. 010 + 020 + 030 + 040 + 050) | 060 | 156 971 521,05 | x | 141 039 058,97 | x |
| Кўрсатилган суғурта хизматларининг таннархи | 070 | x | 90 548 463,14 | x | 78 046 922,15 |
| Суғурта хизматларини кўрсатишдан ялпи фойда (зарар) (сатр. 060 - 070) | 080 | 66 423 057,91 | 0,00 | 62 992 136,82 | 0,00 |
| Давр харажатлари, жами (сатр.100 + 110 + 120 + 130), шу жумладан: | 090 | x | 87 761 068,75 | x | 113 803 212,80 |
| Сотиш харажатлари | 100 | x | 1 297 424,16 | x | 900 854,30 |
| Маъмурий харажатлар | 110 | x | 82 210 056,01 | x | 106 196 061,19 |
| Бошқа операцион харажатлар | 120 | x | 4 253 588,58 | x | 6 706 297,31 |
| Келгусида солиққа тортиладиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари | 130 | x | | x | |
| Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари | 140 | 4 366 705,98 | x | 45 376 122,72 | x |
| Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари) (сатр. 080 - 090 + 140) | 150 | 0,00 | 16 971 304,86 | 0,00 | 5 434 953,26 |
| Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами (сатр. 170 + 180 + 190 + 200 + 210), шу жумладан: | 160 | 17 937 630,40 | x | 14 309 115,56 | x |
| Дивидендлар кўринишидаги даромадлар | 170 | 1 845 857,00 | x | | x |
| Фоизлар кўринишидаги даромадлар | 180 | 14 912 531,28 | x | 13 788 281,93 | x |
| Узоқ муддатли ижара (лизинг) дан даромадлар | 190 | | x | | x |
| Валюта курси фарқларидан даромадлар | 200 | 1 179 242,12 | x | 520 833,63 | x |
| Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари | 210 | | x | | x |
| Молиявий фаолият бўйича харажатлар, жами (сатр. 230 + 240 + 250 + 260), шу жумладан: | 220 | x | 358 125,17 | x | 2 270 926,60 |
| Фоизлар кўринишидаги харажатлар | 230 | x | | x | |
| Узоқ муддатли ижара (лизинг) бўйича фоизлар кўринишидаги харажатлар | 240 | x | | x | |
| Валюта курси фарқларидан зарарлар | 250 | x | 350 479,93 | x | 2 263 302,25 |
| Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар | 260 | x | 7 645,24 | x | 7 624,35 |
| Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари) (сатр. 150 + 160 - 220) | 270 | 608 200,37 | 0,00 | 6 603 235,70 | 0,00 |
| Фавқулоддаги фойда ва зарарлар | 280 | | | | |
| Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар) (сатр. 270 + /-280) | 290 | 608 200,37 | 0,00 | 6 603 235,70 | 0,00 |
| Фойда солиғи | 300 | x | 72 916,65 | x | 1 480 451,23 |
| Фойдадан бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар | 310 | x | | x | |
| Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари) (сатр. 290 - 300 - 310) | 320 | 535 283,72 | 0,00 | 5 122 784,47 | 0,00 |

## Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларга ўтган суғурта ташкилотлари томонидан тақдим этиладиган фойда ва зарар тўғрисидаги маълумот 2025 йил ҳолатига кўра

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| СТИР | 207078596 | | | | |
| Ҳужжат тури: | 2 | Ҳисобот даври | 0 | Йиллик | Солиқ даври 2025 |
| Солиқ тўловчининг тўлиқ номи | «INSON» AKSIYADORLIK JAMIYATI SUG’URTA TASHKILOTI | | | | |
| Солиқ тўловчининг жойлашган манзили | ТОШКЕНТ ШАҲАР ШАЙХОНТОҲУР тумани | | | | |
| Почта манзили | Labzak MFY, Zulfiyaxonim ko’chasi, 12-uy | | | | |
| Ҳисоб-китобни тақдим этиш муддати (кун/ой/йил) | 01-05-2026 | | | | |
| тақдим этилади | ТОШКЕНТ ШАҲАР ШАЙХОНТОҲУР тумани | | | | |
| | (солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги солиқ органи) | | | | |
| | Ўлчов бирлиги | минг сўм | | | |

| Кўрсаткичлар номи | Сатр коди | Ўтган йилнинг шу даврида | Ҳисобот даврида |
|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| **Суғурта фаолиятидан даромадлар, шу жумладан:** | x | x | x |
| Суғурта мукофоти | 010 | 172 095 170,00 | 170 775 497,00 |
| Қайта суғурталашга берилган мукофотлар | 020 | 65 281 703,00 | 9 581 555,00 |
| Қайта суғурталашга қабул қилинган шартномалар бўйича суғурта мукофотлари | 030 | 76 466 095,00 | 25 331 981,00 |
| Регресс даъволар бўйича олинган ўрнини қоплаш суммалари | 040 | 2 940 637,00 | 44 705 254,00 |
| Қайта суғурталашга ва ретроцессияга ўтказилган рисклар бўйича зарарлар улушини қоплашдан олинадиган даромадлар | 050 | | |
| Суғурта операциялари бўйича бошқа даромадлар | 060 | | |
| Суғурта резервларининг ўзгариши | 070 | 13 578 301,00 | 34 663 995,00 |
| **Ишлаб топилган мукофотлар соф суммаси, жами** (сатр 010-020+030+040+050+060-070) | 080 | 172 641 898,00 | 196 567 182,00 |
| Суғурта тўловлари | 090 | 48 976 123,00 | 43 395 309,00 |
| Аквизицион харажатлар | 100 | 49 902 523,00 | 28 970 401,00 |
| **Суғурта фаолияти натижалари, жами** (стар. 080-090-100) | 110 | 73 763 252,00 | 124 201 472,00 |
| Реализация харажатлари | 120 | 1 297 424,00 | 900 854,00 |
| Маъмурий харажатлар | 130 | 86 413 960,00 | 101 958 495,00 |
| Бошқа операцион харажатлар | 140 | 4 187 424,00 | 26 822 687,00 |
| Бошқа операцион даромадлар | 150 | 1 455 815,00 | 670 869,00 |
| Молиявий фаолият бўйича харажатлар | 160 | 358 125,00 | 2 270 927,00 |
| Молиявий фаолиятдан даромадлар | 170 | 17 937 630,00 | 14 309 115,00 |
| **Солиқлар ва резервларни чегиришгача бўлган фойда** (сатр. 110-120-130-140+150-160+170) | 180 | 899 764,00 | 7 228 493,00 |
| Даргумон қарзлар бўйича резервлар | 190 | | |
| **Фойда солиғигача бўлган фойда** (сатр. 180-190) | 200 | 899 764,00 | 7 228 493,00 |
| Фойда солиғи | 210 | 107 458,00 | 1 530 505,00 |
| **Соф фойда** (сатр. 200-210) | 220 | 792 306,00 | 5 697 988,00 |
| Бошқа ялпи даромад | 230 | | |
| **Жами ялпи даромад** (сатр. 220+230) | 240 | 792 306,00 | 5 697 988,00 |

Изоҳ:
1) Ушбу шакллар молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтган солиқ тўловчилар томонидан йилда бир марта ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 мартидан кечиктирмай тақдим этадилар.

## Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларга ўтган суғурта ташкилотлари томонидан тақдим этиладиган молиявий ҳолат тўғрисидаги маълумотнинг 2025 йил 31 декабрь ҳолатига кўра

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| СТИР | 207078596 | | | | | |
| Ҳужжат тури: | 2 | Ҳисобот даври | 0 | Йиллик | чорак | Солиқ даври 2025 |
| Солиқ тўловчининг тўлиқ номи | «INSON» AKSIYADORLIK JAMIYATI SUG’URTA TASHKILOTI | | | | | |
| Солиқ тўловчининг жойлашган манзили | ТОШКЕНТ ШАҲАР ШАЙХОНТОҲУР тумани | | | | | |
| Почта манзили | Labzak MFY, Zulfiyaxonim ko’chasi, 12-uy | | | | | |
| Ҳисоб-китобни тақдим этиш муддати (кун/ой/йил) | 01-05-2026 | | | | | |
| тақдим этилади | ТОШКЕНТ ШАҲАР ШАЙХОНТОҲУР тумани | | | | | |
| | (солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги солиқ органи) | | | | | |

| Кўрсаткичлар номи | Сатр коди | 31-12-2023* | 31-12-2024* | 31-12-2025* |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| **Активлар** | x | x | x | x |
| **Узоқ муддатли активлар** | x | x | x | x |
| Асосий воситалар | 010 | 11 582 444,00 | 11 043 557,00 | 10 261 032,00 |
| Узоқ муддатли инвестициялар | 020 | 21 118 518,00 | 16 001 363,00 | 10 404 063,00 |
| Капитал қўйилмалар | 030 | | 12 940 000,00 | 47 138 708,00 |
| **Жами узоқ муддатли активлар** (сатр. 010+020+030) | 040 | 32 700 962,00 | 39 984 920,00 | 67 803 803,00 |
| **Жорий активлар** | x | x | x | x |
| Пул маблағлари ва эквивалентлари | 050 | 10 907 704,00 | 6 581 480,00 | 3 792 299,00 |
| Қисқа муддатли инвестициялар | 060 | 85 091 273,00 | 88 500 510,00 | 93 866 155,00 |
| Дебитор қарздорликлар | 070 | 2 155 754,00 | 16 098 897,00 | 12 589 301,00 |
| Суғурта мажбуриятлари захирасининг қайта суғурталовчи улуши | 080 | 307 045,00 | 23 418 385,00 | 4 763 593,00 |
| Берилган кредитлар ва авanслар | 090 | 930 201,00 | 3 927 601,00 | 520 000,00 |
| Солиқ ва йиғимлар бўйича аванс тўловлари | 100 | 477 443,00 | 377 601,00 | 834 098,00 |
| Товар моддий захиралар | 110 | | | |
| Бошқа жорий активлар | 120 | 12 795 883,00 | 32 237 784,00 | 64 768 304,00 |
| **Жами жорий активлар** (сатр. 050+060+070+080+090+100+110+120) | 130 | 112 665 303,00 | 171 142 258,00 | 181 133 750,00 |
| **Жами активлар** (сатр. 040+130) | 140 | 145 366 265,00 | 211 127 178,00 | 248 937 553,00 |
| **Капитал ва мажбуриятлар** | x | x | x | x |
| **Капитал** | x | x | x | x |
| Устав капитали | 150 | 45 751 457,00 | 65 751 457,00 | 85 751 457,00 |
| Резерв капитали | 160 | 180 860,00 | 180 860,00 | 180 860,00 |
| Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) | 170 | 1 132 686,00 | 1 924 992,00 | 7 625 561,00 |
| **Жами капитал** (сатр.150+160+170) | 180 | 47 065 003,00 | 67 857 309,00 | 93 557 878,00 |
| **Мажбуриятлар** | x | x | x | x |
| **Узоқ муддатли мажбуриятлар** | x | x | x | x |
| Кечиктирилган солиқ мажбуриятлари | 190 | | | |
| Суғурта бўйича резервлар | 200 | 90 110 915,00 | 126 800 556,00 | 142 809 758,00 |
| **Жами узоқ муддатли мажбуриятлар** (сатр.190+200) | 210 | 90 110 915,00 | 126 800 556,00 | 142 809 758,00 |
| **Жорий мажбуриятлар** | x | x | x | x |
| Кредиторлик қарздорликлари | 220 | 2 539 247,00 | 6 330 330,00 | 5 199 531,00 |
| Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик | 230 | 2 623 606,00 | 1 121 708,00 | 2 227 204,00 |
| Бюджетдан ташқари тўловлар бўйича қарздорлик | 240 | | | |
| Олинган бўнаклар | 250 | | | |
| Ходимлар билан ҳисоб-китоблар | 260 | | | |
| Бошқа жорий мажбуриятлар | 270 | 3 027 494,00 | 9 017 275,00 | 5 143 182,00 |
| **Жами жорий мажбуриятлар** (сатр.220+230+240+250+260+270) | 280 | 8 190 347,00 | 16 469 313,00 | 12 569 917,00 |
| **Жами мажбуриятлар** (сатр.210+280) | 290 | 98 301 262,00 | 143 269 869,00 | 155 379 675,00 |
| **Жами капитал ва мажбуриятлар** (сатр.180+290) | 300 | 145 366 265,00 | 211 127 178,00 | 248 937 553,00 |

Изоҳ:
1) Ушбу шакллар молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтган солиқ тўловчилар томонидан йилда бир марта ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 мартидан кечиктирмай тақдим этадилар.

**Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги «AUDITKANON» МЧЖ аудиторлик компанияси (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2019 йил 2 апрелдаги АФ 00756-рақамли лицензиясига эга) томонидан тасдиқланган ва барча муҳим жиҳатлари бўйича амалдаги қонун ҳужжатлари ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган. Юқорида келтирилган маълумотлар тўғрисидаги ахборот, ташкилотнинг 2025 йил 31 декабрь ҳолати бўйича ҳисоботларининг тўғрилиги ҳақидаги аудиторлик хулосаси мавжуд. «INSON» АЖ суғурта ташкилотининг 2025 йил учун йиллик молиявий ҳисоботининг тўлиқ шакли ташкилотнинг www.insuranceon.uz расмий веб-сайтида эълон қилинган.**

*Реклама ҳуқуқи асосида*

MUASSIS:
O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

O‘zbekiston Ovozi

TAHRIR HAY’ATI:
Ulug`bek INOYATOV
Ulug‘bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV
Guliston ANNAQILICHEVA
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim RAVSHANOV
Toshtemir XUDOYQULOV

**Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA**
**MANZILIMIZ:** 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3
**Телефонлар:** (71) 239-12-14
**Реклама бўлими:** (91) 190-19-49. **E-mail:** uzbovozi@mail.ru
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro‘yxatga olingan.
Navbatchi: **Ravshan SHODIYEV**
Г — 537. 4005 nusxada bosildi.
Nashr ko‘rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O‘zA yakuni —
Topshirilgan vaqti — 20:55
1 2 3 4 5 6
Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko‘chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.